

СИГИРЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ҚОНИНИНГ МОРФОЛОГИК КҮРСАТКИЧЛАРИНИ ЙИЛ ФАСЛЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ.

**Жавхаров Ойбек Зулфикович, қ.х.ф.ф.д., доцент;
Ўрмонов Абдурасул, асистент.**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

Аннотация. Ўзбекистон республикасининг иқлим шароити кескин континентал ҳисобланади. Бундай шароитда сигирларнинг клиник кўрсаткичлари, қонининг морфологик таркибида маълум ўзгаришлар содир бўлиши табиий.

Мақолада, Қашқадарё вилоятининг тоголди ҳудуди шароитида швиц зотли сигирларнинг клиник ва гематологик кўрсаткичларини йил фаслларига боғлиқ равишда ўзгариши ҳақида маълумотлар ёритилган. Тажрибадаги сигирларнинг йилни турли фаслларида клиник ва қонини морфологик таркибида маълум ўзгаришлар рўй берган бўлсада, физиологик меъёрлар даражасидан кескин оғмаганилиги аниқланган.

Калит сўзлар: нафас олиш, пульс, тана харорати, қондаги эритроцитлар, гемоглобин миқдори ва лейкоцитлар.

DEPENDENCE OF THE CLINICAL AND MORPHOLOGICAL INDICATORS OF BLOOD OF COWS ON THE SEASONS OF THE YEAR.

**Javkharov Oybek Zulfikorovich, PhD, Associate Professor;
Urmonov Abdurasul, Assistant.**

Andijan Institute of Agriculture and Agrotechnology

Annotation. The climatic conditions of the Republic of Uzbekistan are sharply continental. In such conditions, it is natural that certain changes occur in the clinical indicators of cows, the morphological composition of their blood.

The article covers information on the change of clinical and hematological indicators of cows of the Swedish breed in the conditions of the mountainous

region of the Kashkadarya region depending on the seasons of the year. While certain changes in the clinical and morphological composition of the blood of cows in the experiment occurred in different seasons of the year, it was found that it did not deviate sharply from the level of physiological norms.

Keywords : respiration, pulse, body temperature, erythrocyte sugar, hemoglobin and leukocytes.

Кириш.

Ташқи мұхит таъсирлари сигирлар организмидаги физиологик жараёнларга, улар орқали эса модда алмашинуига бевосита таъсирини күрсатади. Организмда физиологик функцияларнинг даврий ўзгариши, ташқи мұхитни доимий әмаслигидан далолат беради. Чунки, ҳайвон ташқи мұхит билан узвий боғлигликда ҳаёт кечиради. Ташқи мұхитдаги ҳар бир ўзгариш сигир организмиға ўзини таъсири билан кириб боради. Бу эса сигирларнинг клиник ва гемотологик күрсаткичларида ижобий ёки салбий ҳолатда ўз аксини топади.

Ўзбекистон республикасининг кескин континентал иқлим шароитида қорамолларнинг семаҳсул подаларини яратиш долзарб ва муаммоли масалалардан ҳисобланади. Айниқса, шимолий худудлардан импорт қилинаётган молларнинг ташқи мұхит шароитига мослашиш хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Сигирларнинг клиник күрсаткичлари (нафас олиш, пульс, тана харорати) ва қоннинг гемотологик күрсаткичлари уларнинг табиий-иқлим шароитларига мослашганлик даражасини ифодалайды ва охир-оқибатда уларнинг маҳсулдорлигига, яшовчанлиги ва ўзидан насл қолдириш күрсаткичларига таъсир қиласы [1;-21-23 б.].

[8] тажрибаларида этиологияси бўйича турли фаоллик (ўта фаол, ўрта фаол ва суст фаол) типидаги сигирларнинг клиник күрсаткичларини йил фасллари кесимида ўрганганлар. Тажрибадаги сигирларнинг клиник күрсаткичлари ёз фаслида қиши фаслига нисбатан бироз юқори бўлган.

Аммо, сигирларда барча клиник кўрсаткичлар, физиологик меъёр даражасида бўлиб, урчитилаётган ҳудудга мослашиш даражасини яхши кечишидан далолат беради деган холосага келишган.

Ёзниг иссиқ кунларида сигирлар тана ҳароратининг туш вақтида эрталабки вақтга нисбатан ўзгариши уларнинг иссиққа чидамлилигини ифодалайди ва бу кўрсаткич Ю. Раушенбах усулида иссиққа чидамлилик индекси сифатида баҳоланади. Иссиққа чидамлилик индекси республикамиздаги маҳаллий зебусимон қорамолларда—82,0 ва голштинлашган қизил чўл зотли қорамолларда—77,0–81,2 гача, маҳаллий қизил чўл зотли сигирларда эса 81,8 га teng эканлиги аниқланган [4;с.-25-26].

[3;-43 б] томонидан хорижий давлатлардан импорт қилинган Венгрия ва Хитой селекциясига мансуб голштин зотли сигирларнинг ёз давридаги клиник кўрсаткичлари ўрганилган. Ҳаво ҳарорати эрталаб 20°C дан тушда 39°C гача кўтарилиши ҳайвонларнинг физиологик ҳолатига таъсир кўрсатган, жумладан тана ҳарорати Венгрия голштин сигирларда $0,7^{\circ}\text{C}$ га, пульс – 13,4 марта/дақиқа ва нафас ҳаракатлари дақиқа давомида 5,4 мартаға ошган. Хитой голштинларида эса бу кўрсаткичларнинг кўтарилиши тегишлича $0,2^{\circ}\text{C}$, 0,5 марта/дақиқа ва 16 марта/дақиқага teng бўлган. Бу уларда сервис-даврининг узайишига сабаб бўлган ва бу давр Венгрия голштинларида 162 кун ва Хитой голштинларида 146 кунни ташкил қилган, яъни сервис-даврининг давомийлиги меъёрдагидан 70-85 кунга узайиб кетган ва бузоқ олиш кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатган. Венгрия голштинлари қонида эритроцитлар миқдори $6,5$ млн/ мм^3 , лейкоцитлар – $9,84$ минг/ мм^3 ва гемоглабин $10,4$ г % бўлиб, бу Хиоий голштинларининг кўрсаткичларидан (мос равишда $6,18$ млн/ мм^3 ; $7,68$ минг/ мм^3 ва $10,1$ г %) юқорироқ эканлигини аниқлашган. Бу ҳолатни муаллифлар организмининг ташқи муҳит таъсиридан ҳимояланишга қаратилган жавоб реакцияси сифатида изоҳлашган.

Қоннинг морфологик ва биокимёвий қўрсаткичлари организм гоместазининг асосий қўрсаткичлари бўлиб, турли омиллар таъсирида ўзгаради. Қоннинг нафас олиш – оксидланиш функцияси ёз даврида ташқи муҳит таъсирида нисбатан бўлса ҳам ўзгаради. Маълумки, ёз даврида моллар қони таркибидаги эритроцитлар сони пасайиш тенденциясига эга. Бу термик омилларнинг таъсир этиши билан боғлиқ. Лейкоцитлар сони қоннинг ҳимоя функцияси билан боғлиқ бўлиб, ташқи муҳитнинг салбий таъсирида кўтарилиб боради. Лейкоцитлар сонининг пасайиши ташқи муҳит шароитларига организм мослашувчанлигининг ошганлигидан далолат беради. [5;с.-280], [6;с.-61-64], [7;с.-256].

[8]. тажрибаларида голштин зотли этологияси бўйича турли фаол типдаги сигирлар қонининг морфологик таркибидаги шаклли элементларни йил фаслларига боғлиқ равишда ўзгаришини ўргангандар. I гурӯҳ(ўта фаол тип)даги сигирлар қонини таркибидаги эритроцит, лейкоцит ва гемоглобин микдори қиши фаслидагига нисбатан ёз фаслида тегишлича $0,23 \text{ млн}/\text{мм}^3$; $0,20 \text{ минг}/\text{мм}^3$ ва $0,13\%$ юқори бўлган, II (ўрта фаол тип) ва III (суст фаол тип) тажриба гурӯҳидаги сигирларда эса бу қўрсаткичлар тегишлича , $0,20$; $0,23$; $0,28$ ва $0,19$; $0,24$ ва $0,27$ бирликда юқори қўрсаткични намоён қилган. Ёз фаслида сигирлар организмида моддалар алмашинувини жадал кечиши, уларни қонининг морфологик таркибидаги шаклли элементларнинг кўпайишида ифодаланган.

[9;-23-24-б] томонидан Республикаизга Украинадан келтирилган голштинлашган қизил чўл зотли ғунажинларнинг клиник ва гематологик қўрсаткичлари ўрганилган. Муаллифларнинг таъкидлашича, ушбу молларнинг Орол бўйи минтақаси шароитига мослашишини қониқарли деб баҳолаш мумкин. Уларнинг клиник қўрсаткичлари физиологик меъёр даражасида бўлиб, ёз фаслида тана ҳарорати $38,85$ $^{\circ}\text{C}$ ни, юрак уриши дақиқасига 76,1 мартани, нафас харакатлари – 54, 3 мартани ташкил қилган. Гематологик қўрсаткичлар ҳам меъёр даражасида бўлиб, қондаги

умумий оқсил 6,81 г % ни, 1 мл қондаги эритроцитлар сони – 6,24 млн., лейкоцитлар – 7,06 минг донани, гемоглобин – 53,6 ни (Сали бўйича), рангли кўрсаткич – 8,59 ни ташкил қилган. Шу билан бирга муаллифлар ёзниг иссиқ даврида бу кўрсаткичларнинг бироз кўтарилиганини таъкидлашган, хусусан тана ҳарорати баҳордагига нисбатан ёз ойларида 1,4 %, юрак уриши – 6,0 %, эритроцитлар сони – 5,8 %, лейкоцитлар сони – 0,8 кўпайган.

[2;c.-55] маълумотига кўра, ҳайвон организмига кўп поғонали таъсир кўрсатувчи асосий омилларга ҳаво ҳарорати, атмосфера босими, куёш радиацияси ва геомагнит ритмлари, зич сақлаш, молхона микроиқлими, гиподинамия, транспортда ташиш ва бошқа омиллар киради. Ушбу таъсирларга нисбатан ҳайвон организмидаги ўзига хос тизимли реакция вужудга келади ва бундай тизимли реакциялар адаптация ва стрессларнинг асосини ташкил этади. Муаллифнинг таъкидлашича, сигирлар қонидаги конъюгацияланмаган 11- оксикортикоидлар йигиндиси ўртача 22,79 мкг % ни ташкил этганлиги янги туқсан сигирларда буйрак усти бези пўстлоқ қавати фаоллигидан далолат беради. Бу кўрсаткич ўзининг энг юқори нуқтасига биринчи туғишда (27,67 мкг %) эришади ва лактациянинг 3-4 – ойларига келиб бироз пасаяди. Шунга қарамай, сигирларда эркин ҳолдаги 11 – оксикортикоидларнинг ниҳоятда кўп миқдорда бўлиши соғим даражасига салбий таъсир кўрсатади, яъни бундай ҳолат сут секрециясини тормозлайди .

Иқлимининг ўзгариши ёки ҳайвонларни бир шароитдан бошқа иқлим шароитларига ўтказиш асосий стресс омилларидан ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида климатик этологияли бундай стрессларнинг табиатини ўрганиш ва унга қарши илмий асосланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишини тақазо этади [10;c.-56], [11;c.-8].

Тадқиқотнинг мақсади. Сигирларнинг йил фасллари кесимида клиник ва қонининг морфологик кўрсаткичларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқот обьекти ва услублар. Қашқадарё вилоятини тоголди ҳудуди шароитида Германиядан импорт қилинган наслли буқалар билан узоқ давр мобайнида хўжаликда урчитиб келинаётган швиц зотли сигирларни оталантириб олинган авлодлар (I-гурух) ва уларни хўжалик шароитида урчилиб келинаётган швиц зотли тенгкурлари (II-гурух).

Сигирларнинг клиник кўрсаткичлари (тана ҳарорати, нафас олиш ва юрак уриш тезлиги) Е.А.Арзуманян (1957) услуби бўйича ўрганилди.

Қорамоллар қонининг морфологик кўрсаткичлари (қондаги эритроцитлар, гемоглобин миқдори ва лейкоцитлар) 1mm^3 қондаги эритроцитлар ва лейкоцитлар Кондрахин И.П. (1985)

усулида Горяев саноқ тўрида саналди. Қондаги гемоглобин миқдори Сали гемометрида аниқланди.

Олинган натижалар ва уларни таҳлили. Қашқадарё вилоятини Китоб туманидаги “Бош булоқ чорва” МЧЖ фермер хўжалигидаги маҳаллий селекцияга мансуб швиц зотли қорамоллар узоқ даврлардан буён урчилиб келинади. Хўжаликка 2014 йил Германия давлатидан 2 бош швиц зотли наслли буқа келтирилган ва улар билан хўжаликдаги сигирлар оталантирилиб, авлодлар олинган. Олинган авлодлар ва хўжаликда урчилиб келинаётган иккинчи тўғимдаги швиц зотли сигирларнинг йил фасллари бўйича клиник кўрсаткичларини ўргандик ва уни ўзгаришини қўйидаги жадвалда келтирдик.

1-жадвал.

Йил фасллари бўйича сигирларнинг клиник кўрсаткичлари

(п-10), $X \pm sX$

Кўрсаткичлар	Гурухлар	
	I (тажриба)	II (назорат)

Баҳорда		
Тана ҳарорати, °C	38,2±0,032	38,0±0,030
Юрак уриши, 1 дақ/марта	69,0±0,47	68,3±0,04
Нафас олиши, 1 дақ/марта	27,0±0,60	26,5±0,52
Ёзда		
Тана ҳарорати, °C	38,5±0,033	38,1±0,028
Юрак уриши, 1 дақ/марта	70,3±0,74	69,0±0,48
Нафас олиши, 1 дақ/марта	29,7±0,55	28,0±0,51
Кузда		
Тана ҳарорати, °C	38,4±0,042	38,1±0,03
Юрак уриши, 1 дақ/марта	69,4±0,67	68,0±0,53
Нафас олиши, 1 дақ/марта	28,7±0,46	27,6±0,37
Қишида		
Тана ҳарорати, °C	38,2±0,039	38,0±0,033
Юрак уриши, 1 дақ/марта	68,4±0,65	68,0±0,54
Нафас олиши, 1 дақ/марта	28,2±0,40	28,0±0,36

1-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, сигирларни клиник кўрсаткичларида йилнинг фасллар кесимида катта ўзгаришлар кузатилмади ва физиологик меъёр даражасида бўлди.

Йилнинг баҳор фасли давомида ҳар иккала гуруҳдаги сигирларнинг тана ҳарорати ўртача тажриба гурухида $38,2^{\circ}\text{C}$ ва назорат гуруҳидаги сигирларда 38°C ни ташкил этгани ҳолда, кесвкин фарқ сезилмади. Шу билан бирга юрак уришида ҳам (тажриба гурухида 1 дақиқада 69 марта, назорат гурухида 68,3 марта) ва нафас олиш режимида ҳам (тажриба гурухида 1 дақиқада 27 марта, назорат гурухида 26,5 марта) катта фарқ кузатилмади.

Ёз ойларида тажриба гуруҳидаги сигирларда тана ҳарорати $38,5^{\circ}\text{C}$ ни, юрак уриш тезлиги 1 дақиқа ичида 70,3 мартани ва нафас олиш кўрсаткичи 1 дақиқада 29,7 мартани қайд қилган бўлса, назорат гуруҳидаги сигирларда мос ҳолда $38,1^{\circ}\text{C}$ ни, 69,0 марта ва 28,0 мартани ташкил этди. Бу натижалар назорат гуруҳидаги сигирларда тана ҳароратининг $0,4^{\circ}\text{C}$ га,

юрак уриш ритмини 1,3 мартага ва нафас олиш ҳолатини 1,7 мартага кам бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, баҳор ойларидаги кўрсаткичларга нисбатан йилнинг ёз ойларида тажриба гуруҳидаги сигирларда тана ҳарорати $0,3^{\circ}\text{C}$ га, юрак уриш тезлигини дақиқасига 1,3 мартага ва нафас олиш тезлигини 1 дақиқада 2,7 мартага, шу билан бирга, назорат гуруҳидаги сигирларда мос ҳолда $0,1^{\circ}\text{C}$ га, 1,3 мартага ва 2,5 мартага ортганлиги кузатилди.

Йилнинг куз фаслига келиб ҳар иккала гуруҳдаги сигирларда деярли баҳордаги кўрсаткичларга тенг бўлган натижалар олинди. Жумладан: тажриба гуруҳидаги сигирларда баҳорда тана ҳарорати $38,5^{\circ}\text{C}$ га, юрак уриш ритми дақиқасига 69,0 мартани ва нафас олиш жараёни 27,0 мартага тенг бўлган бўлса, бу натижа йилнинг куз ойларида мос ҳолда $38,4^{\circ}\text{C}$, 69,4 ва 28,7 мартага тенг бўлганлиги қайд қилинди. Шунингдек, назорат гуруҳида ҳам шундай ҳолат кузатилди, яъни баҳорда $38,0^{\circ}\text{C}$, 68,3 ва 26,5 мартани ташкил этган бўлса, ёзда мос ҳолда $38,1^{\circ}\text{C}$, 68,0 ва 27,6 мартага тенг бўлди. Аммо ушбу натижалар гуруҳлар ўртасида солиштириб кўрилганда бир оз тажриба гуруҳидаги сигирларда юқори кўрсаткичларда бўлганлиги аниқланди. Яъни тажриба гуруҳида назорат гурухига нисбатан тана ҳарорати $0,3^{\circ}\text{C}$ га, юрак уриши 1,4 мартага ва нафас олиши 1,1 мартага кюқори бўлганлиги маълум бўлди.

Киши фаслида тажриба гуруҳидаги сигирларда назорат гуруҳидаги сигирларга нисбатан тана ҳароратининг $0,2^{\circ}\text{C}$, юрак уришини 0,4 мартага ва нафас олиш тезлигини 0,2 марта юқори бўлган ҳолда, уш бу мавсумда ҳар иккала гуруҳдаги сигирларда ҳам жиддий фарқ бўлмаганлигини айтиш мумкин.

Сигирлар қонининг морфологик кўрсаткичлари.

Тирик организмнинг умумий физиологик ва функционал ҳолати қонини морфологик кўрсаткичларини ўрганиш орқали таҳлил қилинади. Чунки, организмдаги барча тўқима ва хўжайралар қон орқали тўйимли

моддалар ва кислород билан таъминланади. Конни морфологик кўрсаткичларини билган ҳолда, модда алмашинув жараёнини жадаллигига ва у орқали сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражасига баҳо бериш мумкин. Демак, қоннинг морфологик таркиби, ҳайвонларнинг насл ва маҳсулдорлик сифатлари билан боғлиқ бўлади. Кон таркибидаги шаклли элементлар миқдорига турли омиллар таъсир этади. Уларни асосийларидан бири бу йилнинг фаслларига боғлиқ равишда ўзгаришидир. Ташқи об-ҳаво шароитига турли ҳайвонлар турлича реакция қиласи. Бу организмни ташқи муҳит таъсирига жавоб реакциясида характерланади. Шу боис, тажрибаларимизда йил фасллари кесимида сигирларнинг қонини таркибидаги эритроцит, лейкоцит ва гемоглобин миқдорларини ўзгаришини ўрганишга ҳаракат қилдик ва қуидаги натижаларни олдик.

2-жадвал.

Йил фасллари бўйича сигирлар қонининг морфологик кўрсаткичлари (п-10), $X \pm S_X$

Кўрсаткичлар	Йил фасллари	Гурухлар	
		I(тажриба)	II(назорат)
$10^{12/\text{л}}$ Эритроцитлар	Бахор	$7,35 \pm 0,23$	$6,80 \pm 0,21$
	Ёз	$7,44 \pm 0,17$	$6,88 \pm 0,27$
	Куз	$6,38 \pm 0,13$	$6,20 \pm 0,22$
	Қиши	$6,95 \pm 0,18$	$6,58 \pm 0,24$
	Ўртача	$7,03 \pm 0,21$	$6,61 \pm 0,24$
$10^{9/\text{л}}$ Лейкоцитлар	Бахор	$8,56 \pm 0,17$	$8,10 \pm 0,14$
	Ёз	$9,76 \pm 0,03$	$9,21 \pm 0,04$
	Куз	$8,33 \pm 0,09$	$8,27 \pm 0,02$
	Қиши	$8,24 \pm 0,11$	$8,18 \pm 0,16$
	Ўртача	$8,72 \pm 0,10$	$8,44 \pm 0,09$
Гемоглобин г/л	Бахор	$11,84 \pm 0,12$	$10,96 \pm 0,11$
	Ёз	$11,97 \pm 0,11$	$11,08 \pm 0,14$

	Куз	$10,30 \pm 0,29$	$10,01 \pm 0,38$
	Қиши	$11,21 \pm 0,37$	$10,62 \pm 0,49$
	Үртача	$11,33 \pm 0,22$	$10,67 \pm 0,28$

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, йилни фасллари кесимида сигирлар қонининг таркибида бироз ўзгаришлар кузатилган бўлсада, физиологик меъёр даражасидан кескин оғмаганлиги кузатилди.

Сигирларнинг йил фаслларини алмашинуви жараёнидаги қонини таркибида бўлган ўзгаришларга қараб таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Жумладан, тажриба гурухидаги сигирлар қони таркибидаги эритроцитлар сони баҳор мавсумида 1 mm^3 ҳажмда 7,35 млн. донани, ёз даврида 7,44 млн. донани, куз даврида 6,38 млн. донани ва қиши фаслида эса 6,95 млн. донани ташкил этиб, тажрибадаги сигирлар қони таркибида ўртача 7,03 млн. донага teng бўлганлиги аниқланди.

Шунингдек, назорат гурухидаги сигирлар қони таркибида мос равишда 6,80, 6,88, 6,20 ва 6,58 млн. дона ҳамда ўртача кўрсаткичи 6,61 млн. дона ни ташкил этганлиги кузатилди.

Ушбу кўрсаткичларни гуруҳлардаги ҳолатини ўзаро таққослаганимизда, тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан йилнинг баҳор фаслида 0,55 млн. донага, ёз вақтида 0,56 млн. донага, куз ойларида 0,18 млн. донага ва қиши мавсуми вақтида 0,37 млн. донага ҳамда эритроцитларнинг ўртача миқдори 0,42 млн. донага фарқ қилганлиги аниқланди. Таҳлиллар нитажалари шуни кўрсатадики, йил фасллари алмашинуви давомида сигирлар қонини таркибидаги эритроцитларнинг миқдори камайиб борган.

Шу билан бирга сигирлар қони таркибидаги гемоглобин миқдори тажриба гурухидаги сигирлар қони таркибида йилнинг баҳор фаслида 11,84 г/л, ёзда 11,97 г/л, куз вақтида 11,30 г/л ва қиши даврида 11,21 г/л

мавжуд бўлиб, бу натижа назорат гуруҳида мос ҳолда 10,96, 11,08, 10,01 ва 10,62 г/л ни ташкил қилди ва ўртacha кўрсаткичлари тажриба гуруҳида 11,33 ва назорат гуруҳида 10,67 г/л бўлганлиги кузатилди.

Бу кўрсаткичлар гурухлараро ўзаро таққосланганда, тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан баҳор фаслида 0,88 г/л.га, ёз фаслида 0,89 г/л.га, кузда 0,29 г/л.га ва қиши фаслида 0,59 г/л. га ҳамда ўртacha миқдори 0,66 г/л.га кўп бўлганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар эритроцитлар миқдори билан боғлиқ равишда кечиши ва сигирларнинг бўғозлиги, эмбрионда ҳомиланинг катталашиб бориши билан изоҳланади.

Шунингдек, тажриба гуруҳидаги сигирлар қони таркибидаги лейкоцитлар сони баҳорда 8,56 минг дона, ёз ойларида 9,76 минг дона ва куз фаслида 8,33 минг дона бўлган, назорат гуруҳидаги сигирлар қони таркибидаги лейкоцитлар сони мос равишда 8,10, 9,21 ва 8,18 минг донани ташкил этди. Демак, об-ҳавонинг иссиқ бўлиб бориши натижасида қон таркибидаги лейкоцитлар сони ҳам мос ҳолда ошган. Бироқ қиши фаслида қонининг таркиби ўрганилганда лейкоцитларнинг миқдори бир оз камайганлиги кузатилди, яъни тажриба гуруҳида 8,24 минг дона бўлгани ҳолда, назорат гуруҳида 8,18 минг донадан иборат бўлиб, ўртacha тажриба гуруҳида 8,72 минг донани ва назорат гуруҳида 8,44 минг донани ташкил қилди.

Бу натижалар гурухлараро солиштириб ўрганилганда, тажриба гуруҳидаги сигирлар қонини таркибида назорат гуруҳидаги сигирлар қон таркибидагига нисбатан лейкоцитлар миқдори баҳорда 0,46 минг донага, ёз вақтида 0,55 минг донага, куз ойларида 0,06 минг донага ва қиши мавсуми давомида 0,06 минг донага ҳамда ўртacha 0,28 минг донага кўп бўлганлиги аниқланди.

Хуноса. Йилни фасллари кесимида сигирлар қонининг морфологик таркибида ўзгаришлар кузатилган бўлсада, уларни миқдори меъёрдан кескин оғиши сезилмайди. Сигирларда ҳомила ривожланиб борган сари

қонини таркибида лейкоцитлар миқдори ошиб, эритроцитлар ва гемоглобин миқдорлари аксинча камайиб борган. Хўжаликда бу даврда сигирларни озиқлантиришга яхши эътибор қаратиш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Бакиров Б., Бобоев О., Рўзикулов Н. Зотли қорамоллар адаптацияси ва стресс // Зооветеринария. 2012, № 10, 21-23 б.
2. Голиков А.И. Физиологическая адаптация животных. // Ветеринария. Москва, 1989 № 11, С.- 55.
3. Роменская Н.В. Нарушение картины крови при дисфункции печени к.р.с.: автореферат дисс.канд. Вет. наук. 16.00.01 Белгород. 2007. с 20
4. Симонян Г.А. Ветеринарная гембиология. М. Колос, 1995. С. 256.
5. Суюнова З.Б. Голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини этологик қўрсаткичларга боғлиқлиги. Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.-Самарқанд , 2021.
6. Эрнст Л.К., Венедиктова Т.Н., Зельнер В.Р. Поведения сельскохозяйственных животных. М.1974. С.8.
7. Alijonovich R. M., Zulfikharovich J. O. Organization of full-value feeding of dairy cows in farm //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 24. – С. 840-843.
8. Alijonovich R. M. et al. EFFICIENT BEEF PRODUCTION TECHNOLOGY //Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 259-263.
9. Kholbekova M. B., Amirov S. K. IMPORTANCE OF MICROCLIMATE INDICATORS IN THE COWSHED //Current approaches and new research in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 63-66.
10. Жавхаров О. З. СОҒИН СИГИРЛАР РАЦИОНИДА АМИНОКИСЛОТА-ВИТАМИНЛИ ОЗУҚАВИЙ АРАЛАШМАДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ //HOLDERS OF REASON. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 271-283.

11. Zulfikorovych Z. O. et al. CHANGES IN THE BEHAVIOR OF COWS IN CONNECTION WITH PASTURE AND LIVESTOCK FARMING CONDITIONS //NeuroQuantology. – 2022. – Т. 20. – №. 11. – С. 2440.
12. Абдурахимов А. Д. и др. ПРАВИЛЬНЫЙ РАСЧЕТ ПОТРЕБНОСТИ В КОРМАХ ОСНОВА ПРОДУКТИВНОСТИ ЛАКТИРУЮЩИХ КОРОВ //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 23-26.
13. Javkharov O., Madrakhimov S., Hudaybergenova K. Requirements for cows in organization of milk production on the basis of industrial technology //BIO Web of Conferences. – EDP Sciences, 2024. – Т. 149. – С. 01026.
14. Xolbekova M. B., Amirov S. K., Javxarov O. Z. TO ‘LA QIYMATLI OZIQLANTIRISH–YUQORI MAHSULDORLIK GAROVI //Academic research in educational sciences. – 2023. – Т. 4. – №. 4. – С. 221-227.
15. Машрапова Р., Зулфиқоров Д., Жавхаров О. “МУҚУМИЙ” НАСЛЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛГАН ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 4 Part 3. – С. 35-42.